

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

191 **Балиқ овлаш корхоналарида табиий сув ҳавзалари-
дан фойдаланганлик учун ижара ҳақини ҳисоблаш
ва уни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар
киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
9 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1292-2*

(2010 йил 19 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 14-15-сон, 106-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2003 йил 6 ноябрдаги 125, 02-1212 ва 01/22-142-сон қарори (рўйхат рақами 1292, 2003 йил 20 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 йил, 24-сон) билан тасдиқланган «Балиқ овлаш корхоналарида табиий сув ҳавзаларидан фойдаланганлик учун ижара ҳақини ҳисоблаш ва уни ундириш тартиби тўғрисида»ги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 25 май,
46-сон

**Табиатни муҳофаза қилиш
давлат қўмитаси раиси**

Н. УМАРОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 25 май,
3-сон

**Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири**

З. РЎЗИЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 25 май,
6/2-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш
давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлигининг 2010 йил 25 майдаги
46, 3, 6/2-сон қарорига
ИЛОВА

**Балиқ овлаш корхоналарида табиий сув ҳавзаларидан
фойдаланганлик учун ижара ҳақини ҳисоблаш ва уни ундириш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 8-бандида:

«а» кичик бандидаги «60» рақами «68» рақами билан алмаштирилсин;
«б» кичик бандидаги «25» рақами «20» рақами билан алмаштирилсин;
«в» кичик бандидаги «15» рақами «12» рақами билан алмаштирилсин.

2. Ушбу ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан келишилган.

**Давлат статистика
қўмитаси раиси**

Б. ТЎРАЕВ

2010 йил 12 май